



## ЎҚУВЧИЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ЭГАЛЛАГАН МАВҚЕИ ВА ПЕДАГОГИК ВАЗИФАЛАРИ

*Султанова В.К.*

*Қорақалпоғистон тиббиёт институти*

**Таянч сўзлар:** шахсни шакллантириш жараёни, ўқитувчи мавқеи, ижтимоий роллар, ўқув жараёни субъектлари, шахс зиддиятлари.

**Ключевые слова:** процесс формирования личности, позиция преподавателя, социальные роли, субъекты образовательного процесса, личностные конфликты.

**Key words:** process of personality formation, teacher's position, social roles, subjects of the educational process, personal conflicts.

5-9-синф ўқувчилари ўсмирлик ёш даврига мансуб бўлиб, бу давр 11-16 ёшни ўз ичига олади. Бу ёш ўқувчилар учун ўтиш даври ҳисобланади. Бу жараёнда ўқувчи босқичма-босқич болалиқдан катталиққа қараб ривожланади. Ўсмирлик даври руҳий ривожланиш даражаси ва характериға кўра болалиқнинг алоҳида ўзига хос давридир. Бошқа бир томондан эса, у ривожланувчи, катталик остонасида турган шахсдир.

Ўқувчилар эришган ривожланиш даражаси уларда мунтазам тарзда мустақиллик, ўз-ўзини намоён қилиш, ўз ҳуқуқларининг катталар томонидан тан олинисига эришиш ва ички қувватларини рўёбга чиқаришга эҳтиёж сезади. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар атрофдагиларнинг уларға нисбатан катталар сифатида муносабатда бўлишларини хоҳлайдилар. Шу билан бир қаторда, бу ёшдаги ўқувчилар олдиға янги талаблар қўйилади. Улар ҳар доим мустақилликка эға бўлишға интиладилар. Бу жараёнда ўқувчилар ўз-ўзларини намоён қилиш имкониятиға ҳам эға бўладилар. Бундай икки ёқлама характерға эға бўлган қарама-қаршилиқлар уларнинг шахслараро мулоқотға киришишларини мураккаблаштиради. Бунинг натижасида ўқувчилар билан катталар, айниқса ота-оналар ва ўқитувчилар орасида зиддиятлар ва ўзаро



норозиликлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам ўсмирлик ёши мураккаб, танқидий таҳлил қилишга муҳтож давр ҳисобланади.

Бу давр бола жисмининг ўсиши ва шаклланишида муҳим босқичдир. Бу даврда ўқувчилар вужудида қайта қуриш ва ривожланиш амалга ошади.

Жисмоний ривожланишнинг ўзига хос кўриниши: бўйининг ўсиши, оғирликнинг ортиши, кўкрак қафасининг кенгайиши, иккинчи даражали жинсий белгиларнинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Ўғил болаларда мускулларнинг ривожланиши уларда йигитлик сифатларининг таркиб топганлигини ифодалайди. Қизларда эса, аёлларга хос белгилар шаклланади.

Бу ўқувчилар орасида гендер фарқларнинг яққол намоён бўлишига асос бўлади. Бунинг натижасида ўсмирнинг қиёфаси бола қиёфаси билан қиёсланади.

Л. С. Виготскийнинг таъбирича, мазкур давр «жинсий етуклик ёши» ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, мазкур ёш шахсий етуклик ва дунёқарашнинг ривожланиш даври ҳамдир. Буларнинг барчаси ўқувчиларда янги-ча руҳий сифатларнинг таркиб топишини таъминлайди. Бу ўзгаришларни ўқувчининг ўзлари аниқ ҳис қиладилар. Бунинг натижасида улар ўзларини катталардай тута бошлайдилар. Ўқувчилардаги жинсий етуклик уларда бошқа жинс вакилларига нисбатан қизиқишни ҳам вужудга келтиради. Бунинг натижасида уларнинг маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар ҳосил бўлади. Уларнинг қалблари ҳиссиётлар, ҳаяжонларга тўлиб тошади.

Аксарият ҳолларда улар бошқаларнинг дардларини ҳис қилмайдилар, атрофдагиларга бефарқ бўлиб қоладилар. Улар баъзан раҳмдил, баъзан эса баджаҳл қиёфада намоён бўладилар. Алоҳида далилларда улар қоидалар ва қонуниятларни кўра оладилар. Бу ёшда ўқувчилар ҳаракатланишга эҳтиёж сезадилар.

Ўқувчилар энди бола эмасликларига кўпроқ ишонч ҳосил қиладилар.

Бу ёшда уларнинг ўзига хос ижтимоий фаолликлари мавжуд қоидалар, кадриятлар, хулқ-атвор усулларини ўзлаштиришлари ва идрок этишларида намоён бўлади. Бу қоидалар кўпинча катталарнинг ўзаро муносабатларига ҳослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бироқ, болалар ва катталар алоҳида- алоҳида гуруҳлар ҳисобланадилар. Уларнинг бурч ва мажбуриятлари, амал қиладиган тартиб-қоидалари, имтиёзлари алоҳида-алоҳида, ўзига хосдир.

Ўқувчиларда ўзларининг улғайганлари ҳақидаги тасаввурнинг ҳосил бўлиши уларнинг болаликка хос меъёрлар ва кадриятлардан катталарга хос меъёрлар ва кадриятларга амалга қилишга ўтишларига имкон беради. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларни катталарга тенглаштириш уларнинг ташқи қиё-



фасига таъсир кўрсатади. Бу улар ҳаёти ва фаолиятининг баъзи жиҳатларида намоён бўлади. Бу эса уларнинг сифатлари, кўникмалари, ҳуқуқларида ифодаланади.

Ўз навбатида бу ҳолат катталарни болалардан яққол фарқлаш имконини беради.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ахлоқий ривожланишлари учун характерли бўлган жиҳатлардан бири – уларда маънавий-ахлоқий ишончнинг таркиб топишидир. Чунки, ўқувчилар ушбу ишонч ёрдамида ўз хулқ-атворларини бошқарадилар. Бу, ўз навбатида, ўқув-тарбия жараёнида ва атроф-муҳит таъсирида шаклланади. Ишонч ва дунёқарашнинг шаклланиши билан узвий боғлиқ тарзда ўқувчиларда мақсадлар, ғоялар таркиб топади.

Ўқувчилар шахсининг ривожланишидаги муҳим ҳолатлардан бири – ўз-ўзини англаш, баҳолаш, ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжнинг туғилишидир.

Билишнинг ривожланишида ўқувчини ўраб турган объектив борлиқ биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда билиш объекти инсоннинг ички оламиндир. Бу билишга интилиш ва инсоннинг маънавий сифатларини баҳолаш жараёни бўлиб, ўқувчида ўзига, шахсий-руҳий ҳаёти, ўзининг сифатлари, ўзини ўртоқлари билан қиёслаш эҳтиёжи, ўзини баҳолаш, ўзининг ҳиссиётлари ва ташвишларини англашга қизиқиш уйғотади.

Ўқувчиларда ўз шахсияти ҳақидаги тасаввур қандай шаклланади, деган саволга жавоб топиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан боғлиқ тарзда, атрофдагилар билан биргаликда ҳаракат қилиш ва уларга нисбатан ишонч туғилади.

Ишонувчанлик катталар билан мулоқот қилиш сифати, тенгдошларига нисбатан эътиқодли бўлиш ҳиссини таркиб топтиради. Бу, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама кашф этишни тақозо қилади. Тенгдошларига бўлган ишонч шахсий сирли мулоқот жараёнида амалга ошади. Бунинг асосий мақсади ўзаро тушуниш ва бир-бирини кашф этишдан иборат. Катталар билан ўзаро ишончга асосланган мулоқотда вазият бир қадар бошқача бўлади. Бунда ўзининг бугунги кунини билиш муҳим бўлиб қолмасдан, балки ўзининг шахсий истикболига асосланган билиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мавжуд назарий ёндашувларга таянган ҳолда ўтиш даврининг муҳим жараёни ўқувчининг шахсий ҳаётини оламини унинг мулоқот доираси, гуруҳ ва тенгдошларига нисбатан мансублигини кенгайтиришдан иборат. Чунки, ўқувчи ўзаро мулоқот жараёнида худди мана шу ҳолатларга асосланади.

Ўқувчининг хулқ-атвори унинг оралиқ ҳолатида аниқланади. Бу унинг руҳиятида намоён бўлади. Унга ички уятчанлик, ноаниқлик, ички қарама-



каршилиқлар, тажовузкорлик, охириги нуқтаи назар ва мавқега мослашувчанлик кабилар хосдир.

Ўқувчи тафаккурида унинг ўзига хос бўлган салбий жиҳатлар ҳам яширин тарзда мавжуд бўлади. Худди мана шу ўринда ўқувчи ўзининг мустақиллигини катталардан ҳимоя қила бошлайди. Ўқувчиларнинг ақлий тараққиёти ўқув жараёнининг характери ва шакллари билан бевосита боғлиқ тарзда намоён бўлади. Ўқув-тарбия жараёнидаги жиддий ва кўп қиррали меҳнат фаолияти ўқувчилардан юқори даражада ташкил этилган ақлий фаолиятни талаб қилади. Буларнинг барчаси ўқувчининг билиш фаолияти характерига таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида ўқувчи мураккаб даражадаги нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида идрок этиш имкониятига кўпроқ даражада эга бўлади.

Кузатиш мақсадга йўналтирилган тўлақонли идрок жараёни сифатида ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларида тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди.

Ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, билимларни ўзлаштириш характери ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ҳукмлар чиқариш, қиёслаш, чуқур мулоҳаза қилиш ва умумлаштириш кўникмаларини ҳосил қилади.

Бунинг натижасида ўқувчиларда абстракт фикрлаш лаёқати таркиб топади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун эркин, мантиқий хотиранинг ривожланиши хосдир. Бунинг натижасида ўқув материалларини мантиқий жиҳатдан умумлаштириш ва оммалаштириш кўникмаси ривожланади. Ўқувчиларнинг диққати эса, кўпроқ даражада барқарорлашади, у кўпроқ олдиндан уйланган, режалаштирилган шаклга эга бўлади.

Психологларнинг таъкидлашларича, мазкур даврда ўқувчининг биологик етуқлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида қизиқишлар ва хулқ-атвор кўринишларини эътироф этиш мумкин. Ўқувчиларнинг биологик ривожланишларидаги ўзига хосликлар мавжуд.

### 1-жадвал

#### Ўқувчиларда биологик ўзига хосликнинг тадрижий тарзда намоён бўлиши

Ўқувчиларнинг ёши	Ўқувчиларга хос хусусиятлар
11 ёшли ўқувчилар	оғир, вазмин, ишонувчан, ота-оналари билан тўғри муносабатга киришувчан, ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида кам ўйлайдиган, ҳаётни осон қабул қиладиган



12 ёшли ўқувчилар	интилувчан, кайфияти тез ўзгарадиган, ота- оналарига қарши исён кўтарадиган, тенгдошлари билан тез-тез урушиб турадиган
13 ёшли ўқувчилар	сержаҳл, дунёга ҳақиқий муносабатда бўлувчи, оилада мустикаллиқни талаб қилувчи, тенгдошларининг таъсирига тез берилувчан, ташқи кўриниши ҳақида кўп ўйлайдиган, бошқа жинс вакилларига нисбатан қизиқиш уйғонган
14 ёшли ўқувчилар	хушмуомалали, ўзига танқидий қарайдиган, танқидга нисбатан ҳиссий муносабатга эга, ота- оналарига нисбатан танқидий муносабатда бўладиган, дўст танлаш имкониятига эга
15 ёшли ўқувчилар	куч-қувватга тўлган, мулоқотга киришувчан, ўзига ишонган, бошқаларга нисбатан қизиқиш билан қарайдиган, ўз ҳатти-ҳаракатини муҳокама қилиб, ҳаётини қахрамонлар билан қиёслайдиган
16 ёшли ўқувчилар	осойишта, қувноқлик ўрнини тез-тез исёнкорлик эгаллайдиган, ички мустикаллиғи ортган, ҳиссий осойишта, мулоқотга киришувчан

Ҳар бир ёшдаги ўқувчиларнинг ўзига хос характерли хусусиятларини билиш улар орасида мулоқот жараёнини тўғри ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мазкур кўрсаткичлар идрокнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг ижтимоий шарт-шароитларини белгилайди. 11-16 ёш – ўқувчиларнинг маънавий-ақлий ривожланишида алоҳида босқич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу ёшдаги болалар учун мулоқот жараёнини ташкил этишда уларнинг руҳий-физиологик ривожланишларини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Бу жараёнда ўқувчи шахсий ўзига хослигини англаб етади. Унда ҳаётини режалар ҳосил бўлади, ўз ҳаётини онгли тарзда қуришга оид қоидалар таркиб топади, мунтазам тарзда ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларига нисбатан интилиш вужудга келади. Бу жараёнда ўқувчи ўзининг ички оламини объектив воқелик билан боғлайди. Мазкур ёшда ўқувчилар дуч келадиган асосий муаммо катталарга боғлиқликдан қутилиш соҳасидаги инқироздир. Шунинг учун ҳам, 11-16 ёш инсон ҳаётидаги ўта мураккаб ва зиддиятларга бой даврдир. Шунга кўра, уларнинг ўз тенгдошлари ва катталар билан муносабатлари, ўзаро мулоқотларида нобарқарорлик кузатилади.

Ўқувчилардаги ўта фаоллик уларнинг ҳолдан тойишига асос бўлиши ҳам мумкин. Ақлсизларча вужудга елган қувноқлик эса, маъюсликка сабаб бўлади. Ўзига бўлган ишонч тортинчоқлик ва қўрқоқликка асос бўлиши мумкин. Юқори даражадаги ахлоқий интилувчанлик паст даражадаги қўзғалиш билан алмашинади, мулоқотдан қўрқиш ўқувчиларнинг ёпик бўлишларига сабаб бўлади. Нозик ҳис этувчанлик эса, ўқувчилар ҳафса-



ласининг пир бўлишига олиб келиши мумкин. Ақлий бепарволикда жонли қизикувчанлик ўқишдан кўрқишга олиб келади. 11-16 ёшли ўқувчиларда маданиятни эгаллашга бўлган интилиш мунтазам ривожланиб боради.

Психологлар 11-16 ёшли ўқувчилар ривожланишидаги уч йўналишни алоҳида ажратиб кўрсатганлар. Ривожланишнинг биринчи даврига кескинлик, қатъийлик, исёнкорлик, инкирозли вазиятлар хосдир.

Ривожланишнинг иккинчи даврига равонлик, сокинлик, босқич-ма-босқич ўсиш хосдир. Бунда ўқувчи катталар билан мулоқотга киришганда саёз ва жиддий бўлмаган силжишларга дуч келади. Ривожланишнинг учинчи даври ўзида тараққиётнинг шундай жараёнини намоеён қиладики, бунда ўқувчи ўзини фаол ва онгли тарзда тарбиялайди. У ихтиёрий тарзда ички безовталиклар ва инкирозларга барҳам беради. Бундай ўқувчилар ўз-ўзини назорат қилиш ва интизомлиликнинг юқори даражасига эришган бўладилар. Бу жараёнда ўқувчи маданий мулоқот субъекти ва шахс сифатида шаклланади. Мулоқот уларнинг масъулиятли фаолиятига айланади.

Мулоқот йўналишининг тўғри танланиши жараён субъектлари учун қулай ҳиссий вазиятни вужудга келтиради. Бу эса, ўқув-тарбия жараёни натижасига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Мулоқот жараёни субъектлари аввало бир-бирларини тушунишлари, қўллаб-қувватлашлари, улар орасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мулоқот ўқувчи шахсини ривожлантириш ва унинг маданий савиясини бойитишнинг муҳим шартидир.

#### Адабиётлар:

1. Возрастная психология : Детство, отрочество, юность : хрестоматия : учеб, пособие для студ. высш. учеб, заведений / сост. и науч. ред. В.С. Мухина, А. А.Хвостов. - 6-е изд., стер. - М. : Издательский центр «Академия», 2007. 624 с
2. Газиев Э.Г. Управление учебной деятельностью школьников. Т.: Фан, 1986, с. 66.
3. Щукина Г. И. Роль деятельности в учебном процессе М., 1986.С. 36.
4. Щуркова Н. Е. Новое воспитание. М.: Педагогическое общество,2000. С. 128.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқувчиларда мулоқот маданиятини самарали шакллантириш, бу жараёнда ўқитувчининг эгаллаган мавқеи ва вазифалари масаласи ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается вопрос эффективного формирования культуры общения у учащихся, позиция и задачи, которые занимает преподаватель в этом процессе.

#### SUMMARY

The article discusses the issue of effective formation of a culture of communication among students, the position and tasks that the teacher takes in this process.